



ЗАМОНБОБО МАДАНИЯТИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ҲАҚИДАГИ МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-39>

Очилов Алишер Тўлис ўғли,
Бухоро давлат университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада Замонбобо маданиятинг шаклланиш хронологияси ва ўзига хос хусусияти ёритилган бўлиб, ёдгорликда амалга оширилган кўпгина археологик тадқиқотлар ва уларнинг натижалари ҳамда илмий адабиётлардаги илмий маълумотлар қиссий таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: Зарафшон водийси, Замонбобо маданияти, бронза даври, Замонбобо қабристони, қабрлар.

ПРОБЛЕМА И РЕШЕНИЯ ПОЯВЛЕНИЯ КУЛЬТУРЫ ЗАМАНБАБА

Ачилов Алишер,
Преподаватель Бухарского государственного университета

АННОТАЦИЯ

В статье уточняются сроки формирования культуры Заманбаба и результаты многих археологических исследований в области культурного наследия и сравнительного анализа научной литературы.

Ключевые слова: Долина Зерафшан, культура Заманбаба, переуд бронзы, кладбище Заманбаба, гробница.

THE PROBLEM OF DATING ZAMAN-BABA CULTURE


Achilov Alisher,
Lecturer at Bukhara State University

ANNOTATION

The article claricle the terms of formation of Zamonbobo culture and the results of many archaeological researches in the field of cultural heritage and comporative analysis of scientific literature.

Key words: Zarafshan Valley, Zaman-baba culture, Bronze Age, Zaman-baba cemetery, graves.


Бухоро вилояти Қорақўл шаҳарчасидан 15 км шимолий-ғарбда бронза даврига тегишли Замонбобо маданияти жойлашган. Ушбу маданиятни археологик жиҳатандан ўрганиш, Бухоро воҳасининг бронза даври дашт қабилаларнинг яшаш турмуш тарзи ва тарихини ёритишда муҳим маълумотларни беради. Дастлаб, 1950 йилда Яҳё Ғуломов томонидан замонбоболик ибтидоий дехқонлар қабристони топилиб, 1951-1953 йилларда қазиб ўрганилди. Бу қабристонда



археологик тадқиқотлар ўташ вақтида майитларнинг оёқ қўллари букилиб, эмбрион шаклида чап томонга ёнбошлатиб кўмилганлигини кўршимиз мумкин. Бу ерда 46та қабр топиб ўрганилган ва қабрни ўрганиш жараёнида уларнинг баъзиларида эр ва хотин бирга кўмилганлигига ҳам дуч келамиз. Бунинг сабаби сифатида ота уруғида эркакнинг хўжаликдаги ва оиладаги роли ортганини, хотин эса унга хусусий мулк каби тобе бўлиб қолганлигини айтишимиз мумкин. Шу сабабли эр вафот этадиган бўлса хотин ҳам унга кўшиб кўмилганлигини нафақат Замонбобо қабристонидан, балки, ўша даврга оид бошқа ҳудуд қабристонларидан топилган қабрларда ҳам айнан шундай ҳолатга дуч келинган. Замонбобо маданиятини ўрганиш жараёнида бемалол айтишимиз мумкинки, Замонбобо маданияти аҳолиси қадимда металлургия соҳасида ўз ўрнига эга аҳоли ҳисобланган. Буни қабрлардан топилган турли хил идишлар, ўқлар, зебу зийнат буюмлари, баъзи қуроллар, ҳатто жездан ясалган ойна каби буюмлардан ҳам билишимиз мумкин. Манбаларда қайд этилишича Замонбобога Қизилқум тоғларида металлургия соҳасини яхши ўзлаштирган бир гуруҳ аҳоли кўчиб келган ва милoddан аввалги III минг йилликдан бошлаб замонбоболиклар метал билан танишишган. Умуман олганда, Замонбобо Зарафшон водийсининг бронза даври дашт қабилалар маданиятини очиб берувчи муҳим маданият ҳисобланади. Лекин, бунёдгорликнинг қачон қай тарзда вужудга келганлиги ҳақидаги қарашлар турлича.

Замонбобо маданияти хронологияси ва унинг тарихий илдизлари дастлаб Замонбобо қабристонинг жанубий комплекслар билан қиёсий солиштиришлар асосида В.М.Массон ва Е.Кузминалар томонидан милoddан аввалги III минг йилликнинг охири ва II минг йилликни бошлари билан белгилаган.[1] 1950 йиллар охири ва 1960 йиллардаги археологик тадқиқотлар натижасида Замонбобо манзилгоҳи топилиб ўрганилгач, ҳар иккала ёдгорликлар (Замонбобо манзилгоҳи ва қабристони) санаси А.Асқаров томонидан қайта кўриб чиқилди ва уларнинг ёши милoddан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярми билан белгиланди.[2]

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, Шимолий Бактрия бронза даври ёдгорликлари комплексида худди Замонбобо қабридонлари типидagi идишлар учраши муносабати билан В.И.Сарианиди Замонбобо маданияти санасини қайта кўриб чиқишга зарурият туғилди баҳонаси билан, Замонбобо комплексини ёши милoddан аввалги II-I минг йилликлар оралиғидан узоққа бормайди, деган даво билан чиқади.[3] Замонбобо маданиятини ёши масаласидаги В.И.Сарианидининг хато хулосаси таъсирида, А.Асқаров Замонбобо маданияти даврий санасини қайта кўришга шошилиб, ўзи ўрганган Сополли маданияти комплекслари орасида бирор марта ҳам Замонбобо типидagi қабридон идишлар учрамаганига қарамай, аввал таклиф қилган Замонбобо санасини ёшартириш йўлида махсус мақола билан чиқади.[4] Қадимги Бактрия деҳқончилик маданиятини ўрганишда катта ютуқларга эришган ва бронза даври маданиятининг билимдон дарғаларини бундай чиқишлари, бизнингча, ҳарқалай, илмий асоссиз эди. Чунки В.И.Сарианиди Замонбобо қабридон идишлари типидagi сополларни жанубий Бактрия бронза даври ёдгорликларининг маданий қатламидан эмас, балки ҳозирги замон афғон



қабр ўғрилари томонидан қадимги қабрларни очиб, улар ичидаги буюмларни (шу жумладан, антиқа сопол идишларни ҳам) ажнабий сайёҳларга сотишга олиб келинган сопол буюмларига асосланган эди.


Афғон қабр ўғрилари сотишга келтирган сопол идишларнинг аксарият кўпчилиги бронза даврига тегишли бўлсада, улар орасига тушиб қолган қушдон идишларни қаердан, қайси археологик объектдан топиб келтирилганлиги аниқланиши керак эди. В.И.Сарианиди эса уларни қаердан топилгани ҳақида улардан сўраб-суриштирганда, «мана шу идишларнинг барчаси қабрлардан олинган» деган, қабр ўғриларининг жавобларига ишониб, дарҳол мақола ёзишга қўл урган. Топилгани қайси бир ёдгорликдан ва уни маълум маданий қатлам билан боғланиш ва боғланмаслик ҳолати охиригача аниқланмай ёзилган мақолалар, одатда, қўшимча тадқиқотларни талаб қилади. Шундагина мақола илмий асосли бўлиши мумкин. Аммо илмий адабиётларда Замонбобо маданиятининг кескин ёшартириш масаласидаги таклифлар тарафдорлари чиқа бошлади. Улар Замонбобо манзилгоҳи юзасидан териб олинган дашт қабилаларининг Андронова маданияти сополларига ишора қилиб, В.И.Сарианиди таклифини асослашга уриниб кўрдилар.[5] Академик А.Асқаров Замонбобо маданиятининг санаси масаласида проф. В.И. Сарианиди таъсирида йўл қўйган хатосини кейинги ишларида тузатди,[6] яъни Замонбобо ёдгорликларига ўзининг илмий ишларида илк бронза даври маданияти сифатида қарай бошлади.

Агар Зарафшоннинг қуйи ҳавзаси худудларидан топиб ўрганилган сўнгги Калтаминор маданиятининг Каттатузкон 35 манзилгоҳидан териб олинган керамиканинг 98 фоизини нақшсиз, қоракул ранг, Дарвозақир керамикасидан қалинроқ сопол парчалари эканлигини ва манзилгоҳ майдонидан мис игнабиғиз ва пичоқ парчалари ҳамда Замонбобо сувдонлари типидagi сопол парчасини топилишига қарайдиган бўлсак, Замонбобо маданиятининг сўнгги энеолит ва илк бронза даврига тегишли эканлигига ҳеч бир шубҳа қолмайди.[7]

Энди Замонбобо маданиятининг келиб чиқиш илдизларига келсак, бу масала, унинг даврий санасига нисбатан ҳам мураккаброқдир. Ҳозирги вақтда материалларининг хилма-хиллиги билан кишини ҳайратга солаётган бу маданият ёдгорликлари комплекси тўлиқ ўрганилган. Унинг этномаданий қиёфаси замонбоболиклар хўжалигининг бир томонлама эмас, балки икки хўжалик йўналишида ривожланганлигини тақозо этади, яъни замонбобо маданияти соҳиблари хонаки чорвачилик ва пасира деҳқончилик хўжалиги билан параллел шуғулланганлар. Замонбоболикларнинг келиб чиқиш тарихий илдизлари бир томондан маҳаллий Калтаминор маданиятининг сўнгги босқичи билан генетик жиҳатдан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан Ўрта Осиё жанубий минтақаларининг қадимги деҳқончилик маданияти жамоалари билан узвий боғлиқ эди.

Замонбобомаданиятининг маҳаллий илдизлари қуйидагилар билан изоҳланади: Биринчидан, Замонбобо маданиятининг шаклланишига қадар бу районда неолит даврининг Калтаминор маданияти соҳиблари истиқомат қилар эдилар, айнан шу райондан унинг сўнгги босқичига тегишли ёдгорликлар топилган.

Иккинчидан, Замонбобо манзилгоҳини қазиб вақтида қазималар муаллифи




А.Асқаров томонидан жуда муҳим факт кузатилган, яъни қазилма майдонининг шимолий-шарқий бурчагига солинган стратиграфик шурфда, ер сатҳидан 160 см чуқурликда, қалин тоза тақир остидан юпқа маданий қатлам очилган. Шу қатламдан иккита идишга тегишли сопол парчалари топилган. Улардан бирининг сиртига одимловчи тирноқ босма нақшли гул солинган. Бундай гулли сополлар Калтаминор маданиятининг сўнгги босқичи керамикасида тез-тез учраб туради.

Учинчидан, ўша сопол парчалари комплексидаги бошқа сопол бўлаги шаклан тухумсимон, нақшсиз, таги сфера конуссимон бўлиб, ҳар иккала идиш профили қалинроқ, лойининг таркиби ғалвирак, усти қизғиш рангда, кул қаришмали бўлиб, бундай шаклли ва ғиштрангли идишлар Замонбобо керамикасига характерлидир.[8]

Калтаминор маданияти керамикаси, унинг илк ва ривожланган босқичларида юпқа, қорамтир қизғиш рангда, сернақшли бўлган. Кейинчалик, Калтаминор маданиятининг сўнгги босқичида сопол идишлар қалинроқ, оғирроқ, сирти қизғиш, профилида қора чизик йўлли (яъни идишнинг хумдонда яхши пиширилмаганлигидан далолат берувчи белги), кам нақшли бўлиб борган. Нақшли сопол идишлар сиртининг катта қисмига чизмагул солинмаган ёки аксарият кўпчилик идишлар мутлақо нақшсиз бўлган. Геометрик чизма нақшларнинг мураккаблиги йўқолган, сополлардаги нақшлар тавора соддалашиб, уларнинг асосийларини тирноқ босма гуллар ва қиялама чизиклар эгаллаган. Идишлар девори қалинлашган, сирти сарғиш тус олган. Юқорида таъкидланган Катта тузкон 35 керамикаси бунга яққол мисол бўла олади.[9]

А.В.Виноградовнинг таъкидлашича, Замонбобо маданиятининг тухумсимон шаклли кўзачалари, ярим сфера шаклидаги косалари, қорни шиш, таги думалоқ, гардиши ташқарига қайрилган хурмачалари, шундай шаклли, лекин таги текис хурмачалари Калтаминор маданиятининг энг сўнгги босқичига тегишли Бешбулоқ ва Лавлакон ёдгорликларида учрайди.[10]

Замонбобо маданиятининг шаклланиши масаласида проф. В.И.Сарианиди янги илмий фараз билан чиқди. Унинг фикрича, қадимги Бактрия аҳолисининг бир гуруҳи шимолга кўчиб келиб, Замонбобо маданиятини таркиб топишида фаол қатнашади.[11] Аммо бизнингча, қадимги Бактрия томонлардан деҳқон жамоаларининг қандайдир гуруҳини қуйи Зарафшонга кўчиб келганлигини тасдиқловчи фактлар ҳозирча йўқ. Агарда, Замонбобо маданиятини таркиб топишида саразмликларнинг иштироки ҳақида гап борадиган бўлса, бу ҳақда ўйлаб кўрса бўлади. Лекин шундай фараз ўртага ташланганда ҳам қуйи Зарафшондаги ўша даврларнинг чўл минтақаларига хос табиий-географик ва экологик шароит Замонбобода монументал меъморчилик ва деҳқончилик хўжалигининг устувор йўналишга айланишига олиб келмаган бўларди. Чунки худди шундай ҳолат шимолий Бактриянинг табиий-географик шароити деҳқончиликка қулай бўлмаган худудларида юз берди, яъни бронза даврининг сўнгги босқичида Шеробод қуйи ҳавзаси районлари - Жарқўтондан Бишкент водийсига кўчиб борган бобо деҳқонлар янги районнинг табиий-географик шароитидан келиб чиқиб, хўжалик юритишнинг чорвачилик йўналиши йўлидан кетди.



Хулоса ўрнида шуни такидлаш жоизки, археологик материалларнинг чуқур анализи ва янгича илмий тасаввурларга кўра, Замонбобо маданиятининг шаклланишида Калтаминор маданиятининг сўнгги босқичидан ўсиб чиққан маҳаллий этник асосга жанубнинг таъсири ҳақида гап кетганда, Зарафшон водийсининг юқори оқимида Зарафшон тоғ тизмаларининг бой маъдан конларига эгалик қилиш мақсадида кўчиб борган саразмликларнинг иштирокини тушунмоқ керак. Келиб чиқиши жанубий бобо деҳқонлар жамоаларидан бўлган саразмликларнинг Замонбобо маданиятини шаклланишида қандай роль ўйнашига қарамай, мазкур минтақанинг мавжуд табиий-географик ва экологик шароити ўз ишини қилди, яъни турли хил этник маданиятлар қоришуvidан таркиб топган янги Замонбобо маданиятининг иқтисодий асоси чўл минтақалари тақозо этган ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг илк босқичларига хос хонаки чорвачилик ва пасира деҳқончилик хўжаликларининг параллел ривожлантириш йўлидан борди.

Замонбобо маданиятининг топиб ўрганилиши Бухоронинг ибтидоий жамият тарихини ўрганишда туб бурилишлар ясай олди ва бошқа бир қанча археологик кашфиётларга туртки бўлди. Бу ердан топилган ўрганилган қабрлар, сопол идишлари, меҳнат куруллари ва металл буюмлари бу маданиятни бронза даврида ўз ўрнига эга манзилгоҳ эканлигини яққол кўрсатиб беради.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Массон В.М. Изучение неолита и бронзового века Средней Азии. СА №4, 1957; Кузьмина Е.Е. Могильник Заманбаба. СЭ.№2, 1958.
2. Аскарлов А. Культура Заманбаба в низовьях Зарафшана. ОНУ №11, - Ташкент, 1962. – С.65.
3. Сарияниди В.И. К вопросу о культуре Заманбаба. “Этнография и Археология Средней Азии”. – Москва, 1979.
4. Аскарлов А. К передатировке культуры Заманбаба. “Культура и искусства древнего Хорезма”. – Москва, 1981.
5. История таджикского народа. Том1, Душанбе.1998. – С .161.
6. Аскарлов А. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 1994. 64-65 бетлар; Аскарлов А. Қадимги суғд цивилизациясининг ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий излари. – Тошкент, 2004. – Б.35.
7. Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. – Ташкент, 1966. – С . 168.
8. Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. – Ташкент,1966. – С .7.
9. Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. – Ташкент, 1966. – С .168.
10. Виноградова А.В. Новые неолитические находки Хорезмийской экспедиции АН СССР, 1967, МХЭ №4. – Москва ,1960. – С . 80-81.
11. Сарияниди В.И. К вопросу о культуре Заманбаба. “Этнография и Археология Средней Азии”. – Москва,1979. – С .23-27.